

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ МАТБУОТ ВА АХБОРОТ БОШҚАРМАСИ
ПРЕСС-РЕЛИЗ

**“Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ҳамда фуқаролик жамиятини
ривожлантиришдаги муҳим вазифалар” мавзусида ўқув-амалий семинар**

Ўзбекистонда демократия тамойилларига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг, айниқса ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш билан бирга уларнинг онги, дунёқараши ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йиллари нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жабҳалар, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат соҳалари, балки оммавий ахборот воситалари учун ҳам том маънода юксалиш даври бўлди.

Республика оммавий ахборот воситаларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш динамикасининг таҳлили ахборот соҳасини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини янада фаол ривожлантиришга хизмат қилаётганини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 2013 йил 13-14 сентябрь кунлари Фарғона вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида “Ахборот соҳасини ислоҳ этиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги муҳим вазифалар” мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Агентлик марказий аппарати бошқармалари ҳамда ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари катнашдилар.

Семинарда вилоят нашриётлари фаолиятида лицензия битимларига риоя қилишнинг аҳволи ва ноширлик масъулияти ҳақида агентликдан бош муҳаррир сўзга чиқиб, баъзи китобларнинг яратилишида нашриётлар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида айтиб ўтди. Семинар катнашчиларини ушбу муаммо билан таништирар экан, унинг ечимлари ва олдини олиш йўллари ҳақида ўз тавсияларини берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепцияси” мавзуидаги маърузаси, хусусан “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш” бўйича белгилаб берган стратегик вазифалари оммавий ахборот воситалари учун янги тараққиёт даврини бошлаб берди.

Семинарда шунингдек, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш фуқаролик жамияти институтлари тизимида уларнинг ролини мустаҳкамлаш омили эканлиги ҳақида сўз борди. Таъкидлаш жоизки, 1991 йилда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, 2013 йилнинг сентябрь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 1367 тани ташкил этади. Уларнинг 61 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Самарқанд ва Бухоро вилоятлари матбуот ва ахборот бошқармалари бошлиқлари ўз нутқларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 20 мартдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Ф-3987-сон Фармойишининг Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги ижроси тўғрисида ҳисобот бериб, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва мақсади ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Семинарда шунингдек, корхоналарда Ички меҳнат тартиби қоидаларини ишлаб чиқишда Иш берувчи ва ходим манфаатларини эътиборга олишнинг ўзига хос жиҳатлари, меҳнат шартномасини тузиш ва шахсий таркибга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларига риоя этиш механизмлари масалалари, ҳудудий бошқармалар фаолиятида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш масалалари ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар берилди.

Семинар якунида иштирокчилар учун Марғилон шаҳридаги “Полиграф пресс” МЧЖ ҳамда “Europrint” МЧЖ босмахоналарига экскурсия уюштирилди.